

2022-yil 29-sentabr, payshanba

№ 38 (9202)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

## ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЯНГИ БИНОСИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети (Royal Agriculture University) ҳамкорлигига ташкил этилган Халқаро қишлоқ хўжалиги университетининг янги биноси очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда қишлоқ хўжалиги вазири маслахатчиси Алишер Шукуров, Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети проктори, профессор Питер Маккафери, Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ректори Мунира Аминовалар сўзга чиқиб, университет фаолияти ҳақида фикр билдири. Талабаларни янги ўкув йили ва янги бино билан кутлади.

Шундан сўнг, қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, профессор Алишер Тўраев, Британия кенгашининг Ўзбекистондаги директори Денис Уоддингем, Нидерландия Қишлоқ хўжалиги, табиат ва озиқ-овқат сифати вазирлигининг лойиҳа менежери Йоҳем Плейсер ва Халқаро қишлоқ хўжалиги университети катта илмий ходими, доктор Нил Равенскрофт талабалар учун тақдимот-маъзуза ўтказди.

Халқаро ташкилотлар ва маҳаллий давлат органлари вакиллари, агрокомпаниялар раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислари бинонинг ilk меҳмони бўлди.

– Университетимиз тарихидаги бу-гунгидай муҳим кунда сизларни қарши олишдан мамнунман. Ушбу даргоҳ янги билимлар, дунёни яхши томонга ўзгар-



тира оладиган интилиувчан ёшларнинг масканига айнишига ишончим комил, – деди Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ректори Мунира Аминова. – Университетда энг замонавий илм-фанаға йўнтирилган турли йўналишлардаги мутахассислик бўйича талабаларга билим берамиз. Ишонамизки, ёшлар олган билимларини келгусида амалиётда кўллай оладилар ва замонамизнинг глобал муаммолар, хусусан, икlim ўзгариши,

озиқ-овқат хавфсизлиги, пандемия оқибатлари ва бошқа масалаларни ҳал қилишга ўз хиссасарини кўшадилар. Ўқиш дастури ва ўкув жараёнига кўйиладиган талаблар хорижий ҳамкор университет – Қироллик қишлоқ хўжалиги университети томонидан белгиланади. У Буюк Британиядаги қарийб 150 йиллик тарixга эга энг нуфузли университетлардан бири ҳисобланади. Тошкентдаги Халқаро қишлоқ хўжалиги университети

битирувчилари ўқишини тамомлагандан сўнг Британия университети дипломига эга бўладилар.

Университетда агрономия, агроиқтисодиёт, агрологистика, биотехнология, ақли қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва озиқ-овқат хавфсизлиги йўналишлари бўйича ўкув дастурлари жорий этилган.

Очилиш маросими доирасида "ВЕК СОРП" кластер корхонаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. У ишлаб чиқариш корхонаси ва олийоҳа билан яқин ҳамкорликни йўлга кўйиш, талабаларнинг амалий машгулотлар ўтказиши учун шарт-шароит яратиш имконини тақдим этади.

Янги қишлоқ хўжалиги университетини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амала ошириш доирасида агар асоҳа учун замонавий талаб ва стандартларга мос ююри малакали кадрлар тайёрлашдан иборат.

Бу борада етакчи хорижий университетлар билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ҳам кўзда тутилган.

**Дилобар МАМАТОВА,**  
ЎЗА мухбири.

гандарни қадрлаш ва нуфузини янада ошириш борасида кенг қамровли ишлар амала оширилмоқда. Бу ишлар натижаси ўлароқ, ўқитувчи ва мураббийлик касби том маънода қадр ва ёзоз топмоқда.

Навоий шаҳрида ги 8-сонли информатика ва ахборот технологияларини чуқулаштириб ўтишига ихтинослаштирилган мактаби нафақат шаҳарда, балки вилоядада ҳам ўз ўрнига га булган таълим маскунларидан бири хисобланади.

Мактаб хөвлиси, фойеси ва барча синхроналар турли гуллар билан безатилган. Киншининг баҳри-дил яйрайди.

Кўнгилда қандайдир илиник пайдо бўлади, кайфият кўтарилади. Бу холат ҳар куни билим олиши иштиёқида мактабга қадам кўйиган ҳар бир ўкувчи учун бегона эмас.

– Мактабимизда 4312 нафар ўтил-киз таълим олмоқда, – деди Д. Ҳакимова. – Мактабни тамомлаб педагогика институтига хужжат топширишими айтганимда ота-онам мени кўллаб-куватлаган. 1993 йилдан бўён ўқитувчи бўлиб ишлаб келаман. Бугун ўкувчида қандай билим берилса, – эртага унинг натижаси шундай бўлади. Ҳозирда шогирдларим турли соҳаларда меҳнат килади. Байрамларда, яхши кунларимда улар менга елкало. Уларнинг "Устоз", дея муроҷаат килишлари менга куч бағишлайди. Янада кўпроқ ўқишим, изланишим кераклигини хис қиламан, дарсларда янги янги педагогик услублардан фойдаланган ҳолда ўкувчиликнинг диккатини тортишга ҳаракат қиламан. Ҳар бир янгича услуг ўқувчиларнинг билим олишига бўлган иштиёқи оширади.

Тинимисиз ўқиб-ўрганиш, изланишлар ўз самарасини берди. Олий тоифали ўқитувчи Дијором Ҳакимова 2021 йилда "Халқ таълимни аъло-чиши" кўрак нишони билан тақдирларди.

Албатта, ҳалқ таълими ходимларининг меҳнати муносиб рабтагантирилётани, кўллаб-куватланётани ўқитувчиларни хис қиламан, дарсларда янги янги педагогик услублардан фойдаланган ҳолда ўкувчиликнинг диккатини тортишга ҳаракат қиламан. Ҳар бир таълимлама баркамол улгайшида мухим омил бўлмоқда.

Газал мукминнинг сultonни Ҳазрат Навоийнинг эса "Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмаси ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила", деган мисралари уларнинг меҳнатига берилган муносиб баҳориди.

**Абдували БЎРИЕВ,**  
ЎЗА мухбири.

## ХОДИМНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ ДАСТЛАБКИ СИНОВ МУДДАТИ

### ИККИ ТОМОН УЧУН ҲАМ МАНФААТЛИ МУДДАТИРДИ

Ҳар бир корхона-ташкилотнинг муваффақияти бевосита унинг ходимларига боғлиқ. Юксак салоҳиятли кадрлар шубҳасиз, тараққиётта ундовчи ва даромад келтирувчи асосий куч ҳисобланади.



Шу маънода ҳар бир иш берувчи ишга қабул қилиш жараёнидаги ююри малакали, интизомли, интелектуал салоҳияти юксак кадрларни танлаб олиши хоҳайди. Ўзининг ушбу ҳукуқидан иш берувчи турли усусларда фойдаланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан муйян муддат давомида ходимни касб, вазифа ёки лавозимда синааб кўриш орқали унинг вазифаларни бажариши, лавозимга лойиқ ёки нолойиқлиги аниқлашади. Даствлабки синов шарти – меҳнат шартномаси ходим малакасини аниқлаш мақсадида, қолаверса, унинг талабларига корхонадаги меҳнат ва бошқа ижтимоий иқтисодий шароитлар, мавзанини аниқлаш мақсадида тузилади. Юридик тилда айтганда, даствлабки синовдан ўтиши орқали ишга қабул килиш мухит мослигига шарти ҳисобланади. Шу сабабли ушбу ҳукуқимаси нинг кўшимча шарти ҳисобланади. Шу сабабли ушбу шарт фақат икки тараф рози

### НАВОЙ ВИЛОЯТИ



### ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР АҲОЛИНИНГ ИЧИМЛИҚ СУВИ

### БИЛАН ТАЪМИЛАНГАНЛИК ДАРАЖАСИ

## 78,5 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛАДИ

"Навоий сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ўюшмаси Навоий вилояти бўлими ҳамкорлигига вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда МЧЖ директорорининг биринчи ўринбосари Одил Ҳалимов журналистларга корхона томонидан жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборот берди.

Таъмилангангандек, "Навоий сув таъминоти" масъулияти чекланган жамияти вилоят аҳолисини асосан 3 та манба ҳисобидан, хусусан, Дамхўжа сув тармоғи, Аму-Бухоро магистрал канали, локал сув тармоқлари орқали тоза ичимлик суви билан таъминлайди. Вилоятда жами 209 та ичимлик суви олиш иншоти ва 3 640,3 км. ичимлик суви қувурлари мавжуд бўлиб, улар орқали аҳолига белгиланган тартибида ичимлик суви етказиб берилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

## ФАРГОНА ВОДИЙСИДА З КУНЛИК ПРЕСС-ТУР ЎТКАЗИЛДИ

"Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. II-босқич" лойиҳаси доирасида ОАВ вакиллари учун 26-28 сентябр кунлари пресс-тур ўюнтирилди. Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида ўтказилган тадбирда Европа Иттифоқи, Жаҳон банки, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди. Даствлаб Фарғонадаги Сирдарё-Сўхирригация тизимлари ҳавза бошқармасида тадбирнинг очилиш маросими ўтказилиб, унда "Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш. II-босқич" лойиҳаси ҳақида маълумот берилди.





## Кўргазма мутлақ ғолиби – "Адмирал" лақабли қўчқор 192 кило тош босди

 НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

### МАРРА 45 ЦЕНТНЕРДАН ҲАМ БАЛАНДРОҚ

Учкўргон тумани Улуғбек ММТП ҳудудидаги "Олимбек, Олинингбек" фермер хўжалиги аъзолари улуғвор мақсадларни кўзлаб меҳнат қилимокда.

– Тасаррӯфимиздаги далалар қадимда боболаримиз Олимбек, Олчинбекларга қарашли бол, экинзор ерлар бўлган. Мустақиллик шарофати билан боболаримиз дехқончилик қилган ерлар яна уларнинг авлодларига қайди. Тендерда қатнашиб, ғолиб бўлдик. Танамизда аждодлар кони жўш урди. Бор таҳриба ва имкониятларни ишга солдик. "Ер тўйса, эл тўяди" нақлига амал қилиб, мавжуд майдонларни маҳаллий гўн билан озиқлантириш режасини ишлаб чиқдик. Натижага саса кутилганидан зиёда бўлмоқда. Ўғлим Аббосбек



## МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛК БОР НАСЛЛИ ҚЎЧҚОРЛАР ҚЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Яқинда Тошкент вилоятининг Зангиота туманинг "Нур" замонавий кўйичилик мажмуасида Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мамлакатимиздаги илк бор наслли қўчқорлар қўргазмаси ташкил этилди. Ўзига хос бир тарзда, кўтаринки руҳда ўтган қўргазмага республикамизнинг барча худудларидан юзга яқин наслли қўчқорлар олиб келинди.

Нихоятда завқли, қизиқарли кечган тадбирда наслли қўчқорлар ўзининг юқори вазни, бўйдорлигию жозибадорлиги билан йиғилганларнинг олқишига сазавор бўлди.

Қўргазма якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан зотдор қўчқорлар етти йўналиш бўйича баҳоланди. Фаргона вилояти Қувасой туманинага "Турон чорваси" фермер хўжалигидаги бўқилаётган 192 килолик "Адмирал" лақабли қўчқор, қўргазма мутлақ ғолиби деб деб топилиди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қўргазма шу йўналишда фаолият юритаётгандарга ўзаро таҳриба ва фикр алмашиб имконини бергани билан ҳам аҳамиятия бўлди.

Тадбирда Қирғизистон ва Қозоғистондан ҳам насллилик-селекция ишлари мутахассислари иштирок этилди.

Ўз мухбиримиз



бошчилигига хўжаликнинг мавжуд 60 гектар ер майдонининг 26 гектарига "Первица" будгой навини экдик. Гектаридан 65 центнердан хирмон кўттардик. Режадан оргтанини хўжаликни ривоқлантириша сарфладик, хўжалигимиз аъзоларига тарқатдик. 40 гектар майдондаги пахта далаларida ҳам мўл-кўл ҳосил этишилди. Айни кунларда 45 центнерлик хирмон учун кураш

Бундай натижага эришишда айниска, механизатор Шоҳхакон Мадраҳимов, сувчилар Абдуллахон Усмонов, Абдулрасул Мамадалиев, теримчилар Дилрабо ва Холисхон Тешабоева, Маъмура Мамадалиеваларнинг хиссаси катта бўлмоқда. Кўзланадётган марра эса 45 центнердан ҳам баландроқ.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,  
"Qishloq hayoti" муҳбира.

 Эълонлар

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ

**2023 йил учун докторантура (DSc) ва таянч докторантураси (PhD)  
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

№	Ихтисослик шифри ва номи	Ажратилган қабул квотаси	
1	08.00.04 – "Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти"	докторантура (DSc)	2
2	08.00.04 – "Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти"	таянч докторантура (PhD)	8

**Таянч докторантураси кўйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**  
магистр даражасига, олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар;  
фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилини мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан илмий журналларда чоп этилган камидаги битта мақола ҳамда тегишили йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига кирилтилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.

**Таянч докторантураси кўйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**  
- ариза;  
- қисқача биографик маълумотнома;  
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлётган талабгорлар учун);  
- олий таълим умассасаси магистратуроси ёки олий маълумоти тўғрисидаги дипломи нусхаси;  
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати (камидаги 1 та мақола ва 2 та тезис) ва уларнинг нусхалари;  
- булажак илмий раҳбарнинг ёзма розилиги;  
- паспорт нусхаси;  
- 3x4 ҳажмдаги 2 та фотосурат.

Таянч докторантураси кўйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:  
(тезисмининг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тип) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар.

**Докторантураси кўйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**  
фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;  
фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг мухим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журнallarda

2-Тошкент юридик коллежи томонидан 2020 йилда Каримов Исломбек Музофархон ўғлига берилган К № 5972871 (рўйhat рақами-5945) рақамли диплом йўқолганилиги сабабли бекор қилинади.

"AB PHARM" МЧЖ (СТИР 305 118 741) устав жамғармаси 668 571 863 сўм 80 тийиндан 3 000 000 сўмга камайтирилаётганини маълум қиласди. Кредиторларнинг талаби Тошкент шахри, Янисбод тумани, М. Ашрафий кўчаси, 89 А-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Тошкент шахар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан Инагамов Комил Кулҳаматовичга 2013 йил 19 июль куни O'zR № 002518-рақамли "Шахар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш учун" берилган гувахномаси йўқолганилиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шахар Транспорт бошқармаси томонидан Хайтов Гаффор Таушуплатовга 2020 йил 18 июль куни O'zR №007149-рақамли шахар йўловчилар транспортидан бепул фойдаланиш учун берилган гувахномаси йўқолганилиги сабабли бекор қилинади.

### КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИЗИ?

Куз-қиши мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни беталафот ўтказиш учун Сергели туманида ҳам қатор профилактика тадбирлари олиб борилмоқда.



Маҳаллаларда, ижтимоий соҳа обьектлари, тадбиркорлик обьектлар ва турар жойларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича сухбатлар, учрашувлар ташкил қилинмоқда.

Туманда жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 40 та ёнгин содир бўлиб, унинг асосий кисми аҳоли яшаш уйларида бўлаётганилигини кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам маҳаллалар, аҳоли кўп йигиладиган масканлар – ижтимоий соҳа обьектлари, бозорлар, кўнгил очар масканларда тушунириши ишлари олиб борилмоқда, мазкур ҳолатдан улар боҳабар қилинмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича сухбатлар, учрашувлар ташкил қилинмоқда.

И.ЖУМАЕВ,  
Сергели тумани ФВБ П ва НБ инспектори, лейтенант.

 Эълонлар

### ЛАЛМИКОР ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

2023 йил учун кўйидаги ихтисосликлар бўйича Таянч докторантураси (PhD) ўқишга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Агротуроқшунослик ва агрофизика
  2. Селекция ва уругчилик
  3. Үсимлиқшунослик
- Таянч докторантураси (PhD) ўқишга талабгорлар кўйидаги хужжатларни тақдим этади:
- ариза;
  - қисқача биографик маълумотнома (объективика);
  - меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
  - олий маълумот тўғрисидаги хужжат нусхаси;
  - ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси хужжат нусхаси, IELTS, TOEFL ёки бошқа тан олинган сертификатлар (мавжуд бўлса);
  - нашр этилган илмий ишлар рўйхати шунингдек, уларнинг нусхалари (камидаги 1 та мақола ва 2 та илмий-амалий конференциялар, семинарларни илмий ишлар тўпламларига кирилтилган тезислар);
  - паспорт нусхаси.

2023 йил учун кўйидаги ихтисосликлар бўйича  
Докторантураси (DSc) ўқишга ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Агротуроқшунослик ва агрофизика
2. Селекция ва уругчилик

Докторантураси (DSc) ўқишга талабгорлар хужжатларни тақдим этади:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома (объективика);
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий маълумот тўғрисидаги хужжат нусхаси;
- ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси хужжат нусхаси, IELTS, TOEFL ёки бошқа тан олинган сертификатлар (мавжуд бўлса);
- илмий даража;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг мұфассал лойҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати шунингдек, уларнинг нусхалари (камидаги 3 та мақола ва 2 та илмий-амалий конференциялар, семинарларни илмий ишлар тўпламларига кирилтилган тезислар);
- паспорт нусхаси.

Хужжатлар phd.minnovation.uz

сайтига жойлаштирилади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ КЎЙИДАГИ ФАНЛАРДАН ОЛИНАДИ:  
Таянч докторантураси (PhD) Танланган ихтисосик бўйича ва чет тили.

Докторантураси (DSc) Сухбат натижалари асосида

Хужжатлар 20 сентябрдан 15 октябрча қабул қилинади.

Манзил: Жиззах вилояти Галлаорол тумани  
Олимлар М.Ф.И. Лалмикор деҳқончилек  
илмий-тадқиқот институти (ЛДИТИ)

Илмий кадрларни тайёрлаш ва мутахассислар  
малакасини ошириш бўлими

Тел: +998 94 197-16-27; +998 99 557-09-83.

"SKYMAX TECHNOLOGIES CORP" МЧЖ (СТИР: 305654091) устав фонди 7 400 000 сўмдан 7 104 000 сўмга камайтирилганлигини маълум қиласди.

"EXPRESS MASLAHAT" МЧЖ (СТИР: 309320988) устав фонди 20 300 000 000,00 сўмдан 338 959 247 сўмга камайтирилганлигини маълум қиласди.

"ROISON INVEST" МЧЖ (СТИР: 200902311) устав фонди 1 093 859 100,00 сўмдан 984 473 190,00 сўмга камайтирилганлигини маълум қиласди.

"GO GREEN FUTURE" МЧЖ (СТИР: 308004842) устав фонди 10 000 000,00

## 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муборак бўлсин!



Мамлакатимиз кимё саноатидаги йирик  
корхоналардан бири



**МАХАМ-CHIRCHIQ**  
акциядорлик жамияти жамоаси

1 октябрь – Ўқитувчи  
ва мураббийлар куни  
 билан таълим-тарбия  
 соҳасининг барча  
 ходимларини қизғин  
 муборакбод этади.  
 Сиз, азизларга мустаҳкам  
 соғлиқ, баҳту саодат,  
 эзгу фаолиятингизда  
 улкан муваффақиятлар,  
 хонадонларингизга  
 файз-у барака тилайди.  
 Ҳамиша соғ-омон бўлинг,  
 муҳтарам устозлар!



**Ҳаётингиз қувончли  
лаҳзаларга бой бўлсин,  
муҳтарам устозлар!**

**“Ўзсувқурилиш” АЖ тизимидағи  
“УРГАНЧМАХСУССУВПУДРАТ”**  
масъулияти чекланган жамияти жамоаси

устозларни, маърифат  
жонкуярларини касб  
байрамлари муносабати  
 билан чин қалбдан  
табриклайди ва барча эзғу  
тилакларини изҳор этади.  
 Машақатли меҳнатларингиз  
маҳсул – шогирдларингиз  
камолини кўриш, ютуқларидан  
фаҳраниш Сиз, азизларга  
насиб этсин!  
 Ҳамиша шогирдларингиз  
хурмат-иззатида, эл эъзозида  
бўлинг, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

## ► Бўлган воқеа

## НОННИНГ УВОЛИ ТУТДИ(МИ)?

Талабалик кезлари эди. Эндиғина мустақилликка эришганмиз.  
Самарқанднинг нуғузли илм даргоҳларидан бири қадрдан  
Самдуда сиртдан таҳсил оламан.



– Нима қиласди, молига беради,  
ана оғилхонада тўртта хўқиз боқиб  
куйиди, – деб қолди шу ерда кўпдан  
икрада яшаб келәттган Омонбой. –  
Ўйда турганимиздан кейин шунга  
мажбуримизда...

Бошимдан совуқ сув қўйилгандай  
бўлди. Водариг! Одамлар нон топол-  
май, ҳатто макка ун еб, кун кечираёт-  
ган кунларда опокқина бўрсилдоқ  
нонларни молга бериш. Жуда ғалати  
бўлиб кетдим. Боя магазинда нон ет-  
май колиб, ҳар кимга бир зорланиб  
турган момо кўз олдимга келиб кетди.  
Аттаган, оддинроқ билганимда олган  
нонларимни момога берган бўлардим.

Хуллас, талабаларнинг айтиши-  
ча, бу ерда ҳар кун шундай аҳвол  
экан. Ҳаммамиз нонушта қилиб,  
үқишига жунадик. Мен бу ерда ортиқ  
қоломасдим. Тушдан сўнг курсдош  
дўстларимдан ёрдам сўрадим. Улар  
ёнларидан жой беришди. Кейин  
кўч-қўронимни олиб, уларнинг ёнига  
кўчиб ўтдим.

Университетни тамомлаб, ишга  
кирдим. Ҳамкишлогим Омонбой ҳам  
мендан уч чий кейин ўзиши тутагиб,  
қишлоқка келди. Бир йигинда ўша та-  
лабалик йилларини эсладик. Мен гап  
орасида ўша ўй эгасини суршиштир-  
дим. Омонбой бўлса унинг фожиали  
ўлими ҳақида гапириб берди: “Бир  
куни ўзишдан келсан, хўқизи бўшалиб  
кетиб, уни ўласи қилиб сизиб ташлаб-  
ди. Бечора бақирган-бақирган, уйда  
хеч ким йўклиги боис, кутурган хўқиз  
ўз ишиши қилиб юраверган. Мен кел-  
сан, ҳамма жойи қон. Ҳўқиз ҳамон  
ҳовлида шаталоқ отиб юрарди. Бир  
амаллаб хўқизни ем бериб тутиб,  
богладим. Ва унга ёрдамга ошидим.  
У беҳуш ётарди. Тез ёрдамга кўнгирок  
килдим. Касалхонада жон берди бе-  
чора. Мен шундан сўнг у ердан бошқа  
жойга кўчиб ўтдим”.

– Қани, олга, – деди уй эгаси.  
 Мен ҳам қўшлодошпарим изидан  
йўлга тушдим. Тўғри шаҳар маркази-  
даги нон дўконига бордик. Нон дўко-  
ни ҳали ёпик, олдида туманот одам  
навбат кутиб турарди. Одамларни  
қўриб, капалагим учиб кетди. Биз ҳам  
навбатга тизилдик. Бир пайт дўкон  
эгаси келиб, эшикни очди. Унинг ке-

тидан нон машинаси ҳам келди. Бўл-  
ка нонларни хизматчилар ичкарига  
ташиб бошлиди. Бир пайт одамлар  
ичкарига ёпирилишид. Қай кўз билан  
кўрайки, бўлка нонлар пештахтага  
ҳам терилмай шундоқнина полнинг  
устига уюб ташланган эди. Одамлар  
кўлига илинган нонларни олар ва ким  
сумкасига, ким қолига соларди. Ур-  
сур туплоноп бошлини кетди. Кимга  
битта, кимга иккита, кимгadir эса  
нон умуман етмай ҳам қолди. Мен  
ҳам тала-тўлда аранг иккита нон  
олгандим. Навбатда турив, ноннинг  
пулни бериб, дўкондан чиқдик. Мен  
билан талабаларнинг ҳаммаси ҳам  
нондан олишган экан. Биргалашиш  
уига қайтиб келдик. Жами олганмиз  
25 та бўлка нон бўлиби.

– Шунча нонни нима қиласди бу  
киши, сўрайман талабалардан.

**Болтабой МУҲАММАД ҚУРБОН**

**Ўзбекистон  
Республикаси  
Транспорт вазирилиги  
ҳузуридаги  
Автомобиль йўллари  
қўмитаси таркибидаги**

**“ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ЙЎЛЛАРДАН МУНТАЗАМ  
ФОЙДАЛАНИШ”**  
корхонаси жамоаси

**умумхалқ Байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни  
билан барча устоз, мураббийларни самимий қутлайди ва  
баркамол авлодни тарбиялаб, илм беришдек заҳматли  
меҳнатларида улкан зафарлар тилайди.**